

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМЕТОВ ЯКУБ ИДРИСОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚУШЛАРИНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА
УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ (ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ,
МУҲОФАЗАСИ)**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Аметов Якуб Идрисович

Қорақалпоғистон қушларининг биохилма-хиллиги ва уларни муҳофаза қилиш (фаунаси, экологияси, муҳофазаси) 3

Аметов Якуб Идрисович

Биоразнообразие птиц Каракалпакистана и их охрана (фауна, экология, охрана) 27

Ametov Yakub Idrisovich

The biodiversity of Karakalpakstan birds and their protection (fauna, ecology, protection)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМЕТОВ ЯКУБ ИДРИСОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚУШЛАРИНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА
УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ (ФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ,
МУҲОФЗАСИ)**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/B70 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жуманов Муратбай Арепбевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акрамова Фируза Джалолиддиновна
биология фанлари доктори, профессор

Бакаев Савриддин Бакаевич
биология фанлари доктори, профессор

Юлдашов Мансур Арзикулович
биология фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «19» июл куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№19-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Диссертация автореферати 2019 йил «05» июл куни тарқатилди.
(2019 йил «05» июлдаги 20 - рақамли реестр баённомаси).

Д.А. Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида антропоген омилларнинг авж олиши атроф-муҳитнинг муҳим биоиндикатори ҳисобланган қушларнинг ҳолатига таъсир этмоқда. Айниқса, йирик мегаполисларда урбанизациянинг кенгайиши қушларнинг биологик ва этологик ҳолатларида ўзгаришларни юзага келтириб, улар турлар таркибининг кескин камайиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Шу сабабли, ўзлаштирилган ва экологик инқирозга учраган ҳудудлардаги қушларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш, яшаш муҳитларини сақлаб қолиш, улардан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш йўллари тақомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда антропоген ҳудудлардаги қушлар хилма-хиллигини аниқлаш ва трансформациялашган ландшафтларда тарқалган қушлар синфи вакиллари биологик, экологик ва этологик мослашув хусусиятларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, антропоген ландшафт турлари билан боғлиқ ҳолда қушларни уларга мойиллигининг экологик ва этологик тамойиллари аниқланди, хўжалик объектлари ва ишлаб чиқаришнинг шакллари билан боғлиқ ҳолда уларнинг қушлар биохилма-хиллигига таъсири баҳоланди, турли табиий ва сунъий-ҳудудий мажмуаларда қушлар популяцияларининг шаклланиши ҳамда яшовчанликлари аниқланди. Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда арид ҳудудларда жойлашган йирик маъмурий ва табиий-географик районларда шаҳарлашишнинг кучайиши, нефт-газ саноатининг ривожланиши ва айниқса иқлимнинг ўзгариши, бир томондан, табиий шаклланган қушлар синфи вакиллари аста-секинлик билан ҳудуддан йўқолиши ва популяцияларининг қисқаришига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, антропоген ландшафтларга биологик ва этологик мослашган янги қуш турларининг кириб келиши ҳамда уларнинг инвазиясига олиб келмоқда. Бу эса ҳудудда тарихан қарор топган қушлар фаунаси таксономик таркибининг ва турли локал ҳудудлардаги қушлар биологик хусусиятларининг ўзгариши, экологик пластик турлар сонининг кенгайиши ва муҳитнинг ўзгаришларига чидамсиз турлар популяцияларининг қисқариши билан содир бўлмоқда. Шунга кўра, экологик инқироз ҳудудларидаги қушлар фаунасининг шаклланишини очиқ бериш, экотизимлардаги замонавий тарқалиш хусусиятларини асослаш, уларнинг мослашув механизмларини исботлаш, муҳофаза қилиш чора-тадбирларини тақомиллаштириш ва биоресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамызда Оролбўйи ҳудуди биохилма-хиллигини сақлаш ва биоресурсларидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, Оролбўйи ҳудудида йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги қуш турларини муҳофазалаш учун Судочье давлат орнитологик буюртмахонаси ташкил этилди, камёб ва “Қизил китоб”га киритилган сув ва қуруқлик қушларини муҳофаза қилишнинг йўллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи халокатининг таъсирларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Қорақалпоғистон қушларининг тур хилма-хиллигини инвентаризациялаш, уларни турли экотизимларга мослашиш хусусиятларини очиб бериш, кам учрайдиган ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган қуш турларини сақлаб қолиш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сон “Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Турли экотизимларда қушлар биохилма-хиллиги, фаунистик комплекслари ва экологиясига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Кембридж университети (Буюк Британия), Стэнфорд университети (АҚШ), Пекин университети (Хитой), Торонто университети (Канада), Мельбурн университети (Австралия), Гейдельберг университети (Германия), Страсбург университети (Франция), Токио университети (Япония), Зоология институти (Россия), Москва давлат университетининг Биология факультети (Россия), Экология ва эволюция муаммолари институти (Россия), Зоология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Табиий ва маданий ландшафтларда яшовчи қушлар биохилма-хиллиги ва уларнинг мослашиш хусусиятларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: табиий ва антропоген шароитларда қушларнинг турлар таркиби аниқланган (Кембридж университети, Буюк Британия); турли антропоген ландшафтлардаги қушларнинг тарқалиши, сони ва мавсумий динамикаси очиб берилган (Стэнфорд

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researechget.com, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

университети, АҚШ); кушларнинг ўзига хос ва хўжалик аҳамиятга эга муҳим турларининг табиий ва антропоген ландшафтлардаги уя қуриш биологияси ва экологияси аниқланган (Мельбурн университети, Австралия); трансформациялашган шароитларга кушларнинг экологик мослашув йўллари исботланган (Страсбург университети, Франция); айрим кушларнинг хўжалик аҳамияти баҳоланган ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган (Экология ва эволюция муаммолари институти, Россия).

Дунёда табиий экотизимлар ва антропоген трансформациялашган шароитларда кушларнинг алоҳида гуруҳларининг фаунистик комплекслари ва уларнинг ўзгарувчанликлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кушлар фаунасининг систематикасини такомиллаштириш; кушларнинг ўзаро филогенетик муносабатларини очиқ бериш; кушларнинг зоогеографик тарқалиш йўлларини аниқлаш; турларнинг морфологик белгиларини ва биологик-этологик хусусиятларини асослаш; кушлар биоресурсларидан оқилона фойдаланиш истиқболларини асослаш ва табиатни муҳофаза қилиш тармоқларига жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кушларнинг табиий ва маданий ландшафтларда тарқалиш хусусиятлари, фаунаси, биологияси, экологияси ва систематикасига оид тадқиқотлар хорижлик олимлар R.Meinertzhagen (1954); C.Vaurie (1959, 1965); E.Pianka (1974); T.H.Cheng (1976); D.V.Attenborough (1987); H.Heinzel et al. (1995); A.Peterson (2002); J.William (2006) томонидан олиб борилган. МДХ давлатларида кушлар фаунасининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган (Мензбир, 1918; Новиков, 1953; Ильичев, 1987). Кушлар биологияси, экологияси ва систематикаси бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Михеев, 1960; Степанян, 1978; Галушин ва б., 1991). Г.П. Дементьев (1952) ва А.К. Рустамов (1954) - Туркменистон Республикасининг, И.А.Долгушин (1960) ва А.Ф.Ковшарь (1966) - Қозоғистон, И.А.Абдусаломов (1971) - Тожикистон Республикаси кушларининг экологиясига доир илмий натижалар қайд этилган.

Республикада олиб борилган илмий изланишлар давомида кушлар фаунаси ва экологик хусусиятлари бўйича Т.Зоҳидов; Р.Н.Мекленбуруев, А.К.Сагитов, О.В.Митропольский, Д.Ю.Кашкаров, Э.Шерназаров, А.Мамбетжумаев, С.Бакаев, Ф.Холбоев, В.П.Костин, К.Кенжегулов, М.Аметов, Т.Абдреймов, М.Жуманов, А.Жабборов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида қайд этилган. Бироқ ушбу тадқиқотларнинг аксарият натижалари эскирган бўлиб, Қорақалпоғистон шароитида замонавий шаклланган куш турларининг таркибий ўзгариши, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича батафсил маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, Қорақалпоғистон ландшафтларини кушларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш, трансформациялашган шароитларда улардаги биоэкологик ўзгаришларни аниқлаш, кушларни муҳофазалаш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-02

«Орол денгизининг қуриган тубида экилган саксовулзордаги қушлар биохилма-хиллиги» (2012-2013) ва «Қорақалпоғистоннинг овланадиган қушлари ва улардан оқилона фойдаланиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон қушлари фаунасининг замонавий ҳолатини аниқлаш, уларнинг биоэкологик хусусиятларини асослаш ва муҳофаза қилиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Амударёнинг қўйи оқими ландшафтларини – қушларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш;

Қорақалпоғистон қушлар фаунасининг экотизимлар бўйича замонавий таркиби, тарқалиши ва характерли қушлар сонини аниқлаш ҳамда мавсумий динамикасини очиб бериш;

ҳар-хил экотизим ва биотоплардаги характерли қуш турларининг биологияси ва экологиясини ўрганиш;

қушлар фаунасининг ўзгарувчан яшаш муҳит шароитларига экологик мослашувини аниқлаш;

Қорақалпоғистоннинг муҳим орнитологик ҳудудлари ва қушларни муҳофаза қилишнинг аҳамиятини очиб бериш;

Қорақалпоғистоннинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган қуш турлари ва гуруҳларини муҳофаза қилиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистоннинг турли экотизимларининг қушлар фаунаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон қушлар фаунасининг замонавий турлар таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, сони ва фаунистик комплекслари, ўзгарувчан яшаш муҳитига мослашуви ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда орнитологик, зоологик, экологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистонда қушларнинг 319 турдан таркиб топган замонавий тур хилма-хиллиги аниқланган;

илк бор Қорақалпоғистон қушлар фаунасининг ўзгарувчан яшаш муҳити шароитига экологик мослашуви аниқланган;

охирги юз йилда Қорақалпоғистонда оқ лайлакнинг *Ciconia ciconia* яшаши исботланган;

Қорақалпоғистоннинг ҳар-хил ландшафтида тарқалган характерли ва индикатор қушларнинг сони аниқланган ва уларнинг мавсумий ўзгаришлари очиб берилган;

Қорақалпоғистонда характерли 12 та қуш турларининг биоэкологик хусусиятлари очиб берилган;

Машанкўл ва Хожакўл кўллари "Ўзбекистоннинг муҳим орнитологик ҳудудлари" таркибига киритиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яшаш муҳитининг ўзгарувчан шароитида Қорақалпоғистон қушлари

фаунасига кирувчи камёб ва йўқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрмон фонди ерларида яшовчи овланадиган қушларнинг бош сонини аниқлаш, давлат кадастрини тузиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилган далаларда ва боғларда яшовчи қушларнинг бош сонини аниқлаш ва уларни жалб қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган классик, зоологик ҳамда экологик методлар ва илмий ёндошувларни қўллаш асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари ваколатли давлат тузулмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий ва маданий ландшафт шароитида Қорақалпоғистон қушларининг турлар таркибини аниқланганлиги, ўзгарувчанлигини асосланганлиги, характерли қуш турлари биологияси ва экологияси асосида Қорақалпоғистон қушлар фаунасининг шаклланиши ва тарқалишини очиб берилганлиги, трансформациялашган шароитда улардаги мослашиш жараёнларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни Қорақалпоғистон Республикаси биоресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, қуш турларининг, жумладан, камёб ва йўқолиб кетаётган турларнинг давлат кадастрини тузиш, яшаш муҳитининг ўзгарувчан шароитида уларни сақлаб қолишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яшаш муҳитининг ўзгарувчан шароитида Қорақалпоғистон қушлар фаунаси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

камёб ва йўқолиб бораётган қушларнинг бош сонини аниқлаш, уларни салбий экологик омиллардан ва браконьерлардан муҳофаза қилиш бўйича олинган натижалар Қўнғирот ва Муйноқ тумани табиатни муҳофаза қилиш амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2018 йил 26 октябрдаги 01-01/3474-сон маълумотномаси). Натижада республикада учрайдиган ноёб қушларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган пушти сақоқуш, кичик қоравой, қоравой, оққуш, оқ думли сувбургути ва бошқа турларнинг бош сонини аниқлаш ва уларни йўқолиб кетиш хавфини камайтириш имконини берган;

ўрмон фонди ерларида яшовчи овланадиган қушларнинг бош сонини аниқлаш, давлат кадастрини тузиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича олинган натижалар Беруний ва Қанликўл тумани ўрмон хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2018 йил 9 ноябрдаги 628-сон маълумотномаси). Натижада ўрмон хўжалиги ҳудудларида овланадиган қушлар, шу жумладан қирғовул *Phasianus colchicus*,

ёввойи ўрдак *Anas platyrhynchos*, олмабош ўрдак *Netta rufina* ва қашқалдоқларнинг *Fulica atra* бош сонини аниқлаш ва популяциялари турғунлигини сақлаб қолиш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилган далаларда ва боғларда яшайдиган қушларнинг бош сонини аниқлаш ва уларни жалб қилиш бўйича олинган натижалар Кегейли ва Нукус тумани қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 26 мартдаги №04/011-728-сон маълумотномаси). Натижада зараркунанда хашаротларни йўқ қилувчи оққанотли қизилиштон, сассиқ попишак, бухоро читтаги, зағизфонларнинг маълум даражада кўпайиши ва боғ ҳамда полиз экинлари далаларининг экологик ҳолатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.


Диссертациянинг **“Қорақалпоғистонда қушлар фаунасининг ўрганилиш тарихи”** деб номланган биринчи боби бир қисмдан иборат бўлиб, бунда ушбу ҳудудда орнитологик тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар XIX – XX асрлар ва XXI асрнинг бошигача амалга оширилган тадқиқотларни ўз ичига олади. Тадқиқот натижалари кўп сонли мақолалар ва монографияларда ўз аксини топган.

Олиб борилган илмий ишлар натижалари фрагментар ҳолатда бўлиб, бугунги куни Қорақалпоғистон Республикасининг кенг ҳудудида тарқалган қушлар фаунасининг ҳозирги замон аҳволини тасвирлаб бера олмаслиги ва ушбу маълумотларнинг мутлоқо эскирганлиги очиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-географик тавсифи”** га бағишланган. Ушбу бобда Устюрт платоси, Шимоли-ғарбий Қизилқум, Амударёнинг қуйи оқими ва Орол денгизининг

қуриган тубининг ўзига хослиги, ҳозирги экологик ҳолатларига мослашиб бораётган кўп сонли қушларнинг биохилма-хиллиги очиб берилган. Шунингдек ушбу бобда “Тадқиқотнинг материали ва методлари” бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишлари йилнинг барча мавсумларида Амударёнинг қуйи оқими ландшафтларида амалга оширилди. Дала тадқиқот ишлари 2004-2018 йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус (Шортанбай ва Тақиркўл ОФИ), Кегейли (Халкабад ва Қозонкеткен ОФИ, Дауткўл кўли), Тахтақуипир (Дауқара ОФИ, Қоратерен кўли), Муйноқ (Судочье, Жилтирбас, Хожакўл, Шега ва бошқа кўллар), Қўнғирот (Машанкўл кўли), Қанликўл (Киндик узек ОФИ, Есберген шиганак тўқайи), Қараузьяк (А.Досназаров ОФИ, Нурумтубек тўқайи), Беруний (Қўйи Амударё давлат биосфера резервати), Турткўл (Жамбас қалъа ОФИ) ва Амударё (Кипчақ ОФИ) туманларида олиб борилди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар:


- 1- Шимоли-ғарбий Қизилкум, 2-Устюрт платоси,
3-Амударёнинг қуйи оқими, 4-Орол денгизининг қуриган туби

Қушлар жамоаси ва фаунасини тадқиқ этишда умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилди (Новиков, 1953; William, 2006): кузатиш ва санашнинг

маршрутли методи (пиёда, қайиқда, автомобилда); куш турларини овози, тунги мигрантларни эса – ой ёруғлиги бўйича аниқлаш методлари; кейинги аниқлаш ва таҳлил қилиш учун турлар расмларини фото ва видеокамера ёрдамида олиш; кузатиш ўринларида асосий биотопик хусусиятларини регистрация қилишдир.

Яшаш жойларида кушларни кузатиш ва санаш Viking фирмасининг 10 лик бинокли ва 60 лик трубаши орқали амалга оширилди. Санаш пунктларида кузатиш узоқлиги 10 минутдан дан 30 минутгача давом этди. Автомашиналарда олиб борилган барча санокларнинг узунлиги 2605 км ни ташкил этди. Стационар саноклар 354 пунктларда ўтказилди, барча экотизимларда кушларни кузатишнинг умумий давомийлиги 648 кунни ташкил этди. Барча кузатиш пунктларда координатлар GPS «Garmin» ёрдамида белгилаб олинди.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон кушлар фаунасининг замонавий таркиби ва экотизимлар бўйича тарқалиши”** учинчи бобида, олиб борилган тадқиқотлар натижасида бугунги кунда Қорақалпоғистонда кушларнинг 19 туркум 55 оилага мансуб 319 тури аниқланди (1-жадвал). Қорақалпоғистон кушлар фаунасининг тур таркиби туркумлар бўйича қуйидагича ҳарактерланади: ҳар бир туркум 1 дан 132 гача турни ўз ичига олиши кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткич бўйича Passeriformes туркуми 132 та тур билан биринчи, Charadriiformes - 61 тур билан иккинчи ва Falconiformes - 31 тур билан учунчи ўринни эгаллаган. Аксарият туркумлар таркибида 1-5 турлар мавжудлиги аниқланди (2-расм). Ушбу параметрлар асосида ғозсимонлар, турнасимонлар, лайлаксимонлар ва каптарсимонларни ҳам алоҳида кўрсатиш лозим.



2-расм. Туркумлар бўйича кушларнинг турлари: 10 дан ортиқ тур ичига олган туркумлар келтирилган (оригинал)

Юқорида кўрсатилган туркум вакиллари, қушлар фаунасининг асосини (89,3%) ташкил этади.

Шу билан бир қаторда қушларнинг учуб ўтувчи (76,17%), ўтроқ (9,1%), уя қурувчи (40,44%) ва қишлоғчи (20,06%) турлардан ташкил топиши билан характерлидир.

Агар қушлар таркибини мавсумий аспектда таҳлил қиладиган бўлсак, унда уя қурувчи қушлар орасида ҳам ўша туркумлар устунлик қилади: чумчуқсимонлар (34,1%), ржанкасимонлар (14,7%), лочинсимонлар (10,1%), ғозсимонлар (9,3%) ва лайлаксимонлар (7,9%).

Амударёнинг қуйи оқими – бугунги кунда хилма-хил экотизимларга эга ва қушлар фаунасига бой ҳудуд ҳисобланади. Мазкур ҳудуд шимолда Орол денгизининг қуриган туби – Оролқум чўли билан, ғарбда – Устюрт платоси, жануби-шарқда – Қизилқум чўлининг Қорақалпоғистон бўлими билан чегарадош ҳисобланади.

1-жадвал


Қорақалпоғистон қушлари фаунасининг таксономик таркиби

Туркум	Оила	Турлар	Туркум	Оила	Турлар
Gaviiformes	Gaviidae	2	Caprimulgiformes	Caprimulgidae	2
Podicipediformes	Podicipedidae	5	Apodiformes	Apodidae	2
Pelecaniformes	Pelecanidae	2	Coraciiformes	Coraciidae	1
	Phalacrocoracidae	2		Alcedinidae	1
Ciconiiformes	Ardeidae	8		Meropidae	2
	Thresklornithidae	2	Upupiformes	Upupidae	1
	Ciconiidae	1	Piciformes	Picidae	3
Phoenicopteriformes	Phoenicopteridae	1	Passeriformes	Hirundidae	3
Anseriformes	Anatidae	28		Alaudidae	12
Falconiformes	Pandionidae	1		Motacillidae	11
	Accipitridae	22		Laniidae	6
	Falconidae	8		Oriolidae	1
Galliformes	Phasianidae	4		Sturnidae	3
Gruiformes	Gruidae	2		Corvidae	7
	Rallidae	7		Bombycillidae	1
	Otididae	3		Troglodytidae	1
Charadriiformes	Burhinidae	1		Prunellidae	1
	Charadriidae	12		Sylviidae	24
	Recurvirostridae	2		Regulidae	1
	Haematopodidae	1		Muscicapidae	3
	Scolopacidae	26		Turdidae	25
	Glareolidae	3		Paradoxornithidae	1
	Stercorariidae	1		Aegithalidae	1
Laridae	15	Paradidae		4	
Columbiformes	Pteroclididae	3		Passeridae	7
	Columbidae	7		Fringillidae	14
Cuculiformes	Cuculidae	1		Emberizidae	6
Strigiformes	Strigidae	5			

Ушбу ҳудуд хайвонлар, жумладан қушларнинг яшаш муҳити сифатида ўзининг характерли экологик шароитлари ва хусусиятларига эга бўлган бир нечта табиий комплекс ландшафтларидан иборат. Ҳар-бир ландшафт ўзининг орнитофауна тузилишига эга ва бир-биридан тур таркиби, турлар сони ва миқдори билан ажралиб туради. Амударёнинг қуйи оқимида энг асосий учта экотизимлар: тўқайлар, сув ҳавзалари ва унинг соҳиллари ҳамда маданий ландшафтлар белгилаб олинди.


Қорақалпоғистон тўқайларида 14 туркум ва 37 оилага мансуб 172 тур қушлар учраши аниқланди. Улар орасидан тўқайларнинг индикатор қушлари ажратиб олинди ҳамда уларнинг мавсумий сон ўзгаришлари очиб берилди.

Умуман йил давомида 9 туркумга мансуб 39 тур қушлар рўйхатга олинган бўлиб уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонда 530,94 га тенг бўлди. Мавсумлар бўйича қушларнинг ўртача зичлиги қўйидагича: қишда - 354,3 та, баҳорда – 675,5 та, ёзда – 523,4 та ва кузда 570,6 та индивидни ташкил этди (3-расм). Йил давомида тўқайларда турлар орасида сон жиҳатдан энг юқори кўрсаткичга гўнг қарға (19,8%) ва дала чумчуғи (7,6%), эга бўлиб доминантлик қилади. Кейинги ўринда хинд чумчуғи (6,96%) ва жануб кургалаги (5,87%) туради. Энг паст кўрсаткичга қарчиғай (0,02%), қирғий (0,04%), тошқирғий (0,17%), кулоқдор япалоққуш (0,26%) ва оққанотли қизилиштон (0,42%) эга эканлиги кўрсатилди.



3-расм. Тўқайларда мавсумлар бўйича қушларнинг ўртача зичлиги (10 га майдон/индивид)

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон сув ҳавзалари ва унинг соҳилларида учрайдиган қушларнинг замонавий тур таркиби аниқланди. Ҳозирги вақтда ушбу экотизимда 14 туркум ва 39 оилага мансуб 187 тур қушлар яшashi исботланган ҳамда характерли турлар сонининг мавсумий динамикаси очиб берилган.




4-расм. Сув ҳавзалари ва унинг соҳилларида мавсумлар бўйича қушларнинг ўртача зичлиги (10 га майдон/индивид)

Умуман йил давомида сув ҳавзалари ва унинг соҳилларида кенг тарқалган 9 туркумга мансуб 33 та қуш тури рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 1166,7 га тенг бўлди. Уларнинг ўртача зичлиги мавсумлар бўйича қўйидагича ифодаланади: яъни, баҳорда – 1368,6 та, ёзда – 680,5 та ва кузда 1450,9 (4-расм). Сув ҳавзалари ва унинг соҳилларида қушларнинг йиллик сон кўрсаткичи қўйидагича: яъни, сон жиҳатдан ўрдақлар оиласи вакиллари (33,69%) доминантлик қилади, иккинчи ўринни сувмошаклар (23,34%) эгаллайди, кейинги ўринларда балиқчилар (10,42%) ва қарқаралар (5,76%), туриши очиб берилган.

Қорақалпоғистон маданий ландшафтларида 17 туркум ва 49 оилага мансуб 257 қуш турлари яшаши аниқланди.

Умуман йил давомида маданий ландшафтларда кенг тарқалган 12 туркумга мансуб 54 та тур қушлар рўйхатга олинган бўлиб уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 501,65 га тенг бўлди. Уларнинг ўртача зичлиги мавсумлар бўйича қўйидагича ифодаланади: яъни, қишда – 472,7 та, баҳорда – 603,7 та, ёзда – 492,1 та ва кузда 438,1 ни ташкил этади (5-расм). Маданий ландшафтларда қушларнинг йиллик сон кўрсаткичи қўйидагича ифодаланади: яъни, сон жиҳатдан қарғалар оиласи вакиллари (20,1%) доминантлик қилади, иккинчи ўринни чумчуғлар эгаллашади (13,1%), кейинги ўринларда каптарлар (11,01%) ва чуғурчуқлар оиласи вакиллари (9,05%) туради.

Ҳар бир ландшафтдаги қушларнинг зичлиги қушларнинг биологик хусусиятлари ва экологик шароитларга боғлиқлигидан далолат беради.



5-расм. Маданий ландшафтларда мавсумлар бўйича қушларнинг ўртача зичлиги (10 га майдон/индивид)

Амударёнинг қўйи оқимида қушларнинг йиллик ўртача сони сув ҳавзалари ва унинг соҳилларида юқори кўрсаткичга эга (1166,7 та). Бу ҳолат сув ва сув олди қушларининг кўпинча колония бўлиб яшаши ва баҳорги ҳамда кузги миграция даврида учуб ўтувчи қушлар сонининг ошиши билан изоҳланган.

Сон жиҳатдан йил мобайнида энг паст кўрсаткич маданий ландшафтга тўғри келади (501,65 та). Бу ҳолат қушлар учун табиий ҳудудларнинг камлиги ва антропоген омилларнинг таъсири (шовқин, браконьерлик ва ҳ.к.) билан боғлиқ.

Тўқайларда эса қушларнинг йиллик ўртача сони бироз юқори бўлиб (530,94 та), бу ҳолат тўқайларда аксарият турларнинг ушбу ландшафтда уя қуриши, дам олиши, тунаши билан боғлиқдир. Қушларнинг умумий сонининг мавсумий нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, баҳор ва кўзда қиш ва ёз фаслларига нисбатан турлар сони кўп бўлади. Апрель ойида қушлар зичлиги энг юқори (тўқайларда-1011.1, сув ҳавзалари ва унинг соҳилларида-1944.9, маданий ландшафтда-827.4) бўлса, феврал ойида эса энг паст (тўқайларда-339.1) кўрсаткичга эга бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Амударёнинг қўйи оқими экотизимларида қушларнинг кенг тарқалганлиги ва турлар таркибининг бойлигидан далолат бермоқда. Аниқланган қушлар яшаш муҳитига кенг диапазон доирасида мослашганлигини таъкидлаш лозим. Улар амалда, барча ландшафтларнинг асосий компонентлари сифатида номоён бўлиши кузатилмоқда. Жумладан, қуруқлик шароитларига мослашган қушлар 184 турдан иборат бўлиб 58,6% ни ташкил этади. Ушбу гуруҳ қушлар асосини товуқсимонлар, каптарсимонлар, япалоқсимонлар, тентакқушсимонлар, узунқанотлар, сассиқпопишаксимонлар ва қизилиштонсимонлар туркумлари ташкил этиши билан изоҳланади.

Сув-ботқоқ қушлари гуруҳини – гагарасимонлар, қўнғирсимонлар, куракоёклилар, лайлаксимонлар, қизилқанотсимонлар ва ғозсимонлар ташкил этиши келтирилган. Ушбу гуруҳга 132 та турлар кириши ва 41,3% ташкил этиши кузатилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Қорақалпоғистоннинг характерли қуш турларининг биологияси ва экологияси” га бағишланган бўлиб, қатор турларнинг кўпайиш биологияси ва яшаш муҳитига мослашишнинг умумий хусусиятлари баён этилган. Тадқиқот натижаларига кўра Қорақалпоғистон шароитида қатор қуш турлари – хаққуш, тошқирғий, сариқ сор, оқ думли сув бургут, қизилоёқ, кулоқдор яполоққуш, тилларанг куркунак, гўнг қарға, қора қарға, инуяларнинг биологияси ва экологияси батафсил ўрганилган, кўпайиш биологиясининг характерли босқичлари очиб берилган. Ушбу турларнинг серпуштлиги, уларнинг генетик хусусиятлари ва озуқа манбаларига боғлиқлиги батафсил таҳлил этилган ва янги маълумотлар билан бойитилган. Мисол сифатида хар-хил экологик гуруҳ вакиллари: хаққуш *Nycticorax nycticorax* ва оқ думли сув бургутнинг *Haliaeetus albicilla* кўпайиш биологияси бўйича олинган маълумотларни келтириш мумкин.

Хаққуш *Nycticorax nycticorax* (L., 1758) биологияси ва экологияси. Хаққуш – лайлаксимонлар (Ciconiformes) туркуми вакили бўлиб, Амударёнинг куйи оқимида уя қурувчи кўп сонли қушлар сирасига киради. Баҳор мавсумида сув ва сув олди ландшафтларида уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 31,1 қушни, ёз мавсумида эса 20,2 қушни ташкил этган. Тўқай ландшафтида бу кўрсаткич бирмунча паст бўлган, яъни баҳор мавсумида уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 6,7 қушни, ёз мавсумида эса 12,1 қушни ташкил этган.

2007 йилнинг 17 апрелида Кегейли тумани «Халқабод» ОФЙ да хаққушларнинг Қорақалпоғистондаги энг катта уяловчи колонияси қайд этилган. Ушбу колония гўнг қарғалар *Corvus frugilegus* колонияси билан бирга баланд бўйли тўранғилзорда жойлашган эди. Колонияда хаққушларнинг 949 уяси ҳисобга олинган.


Дарахтларда жойлашган уяларнинг сони 1 дан 18 гача. Уларнинг ичида дарахтларда битта уядан жойлашган 12 та уя (1,26%), иккитадан - 66 (6,95%), учтадан - 102 (10,75%), тўрттадан - 72 (7,59), бештадан - 80 (8,43), олтидан - 48 (5,06), еттитадан - 98 (10,33), саккизтадан - 96 (10,12), тўққизтадан - 54 (5,69), ўнтадан - 50 (5,27), ўн биттадан - 66 (6,95), ўн иккитадан - 60 (6,32), ўн ўчтадан - 52 (5,48), ўн тўрттадан - 28 (2,95), ўн бештадан - 30 (3,16), ўн еттитадан - 17 (1,79), ўн саккизтадан - 18 (1,90) уя борлиги кузатилган (Аметов, 2009).

949 уянинг 271 таси (28,6%) кўп йиллик эски уялардан ташкил топган. Бундан бошқа 10 тадан ортиқ уянинг қурилиши тугамаган эди. Уялар ер бетидан 6,8 - 11,5 м (ўртача 8,3 м) баландликда жойлашган. Уялар орасидаги оралик 16 см дан 3,2 м гача. Уянинг (n=26) диаметри 30,2-38,4 см (ўртача 34,5), лотка диаметри 21,4-26,8 (23,6) см., уя баландлиги 22,6-35,3 (28,2) см, лотка чуқурлиги 5,4-20,2 (8,4) см ни ташкил этиши аниқланган.



6-расм. Хаққушнинг уяси ва тухумлари, 2007 й., Кегейли тумани (оригинал)

Хаққушлар уяга кўпинча 4-5, сийрак 3 ёки 6 та тухум қўяди. Тухумлар овал шаклида, очик-кўк рангда бўлади (6-расм). Тухумларнинг ($n=48$) ўлчами: узунлиги 45,3-53,7 мм (ўртача 49,4), эни 33,7-37,8 мм (ўртача 35,6), массаси 28,1-37,6 г. (32,8) ни ташкил этади. Тухум қўйиш апрел ойининг II декадасидан бошланади. Асосий тухум қўйиш апрел охири-май бошида кечади. Тухум босиб ётиш жараёни 1-тухум қўйилгандан сўнг бошланади ва ўртача 21-22 кун давом этади. Полапонларнинг тухумдан чиқиши май ва июн ойларида кечади.



7-расм. Хаққушнинг полапонлари, 2007 й., Кегейли тумани (оригинал)

Тухумдан чиққан полапонларнинг массаси 27,2-38,8 (ўртача 32,7) граммни ташкил этади. Уларнинг кўзи ва эшитиш тешиклари ёпик, танаси кўлранг момик патлар билан қопланган бўлади (7-расм). Тана ва оёғининг ранги – очик яшил, бўйин ва кўзлари сарик, тумшуғи – қорамтир бўлади. 2-3 кунлик полапонларнинг оғирлиги – 49 г, тумшуғининг узунлиги - 14 мм (бурун тешигигача 9,2), илик суяги – 17 м, тана узунлиги – 12 см га тенг.

Полапонлар жуда тез ўсади. 2-3 кундан сўнг кўзлари, 4-5 кундан сўнг кулок тешиклари очилади. 10-11 куни контур патлари, катта ва рул патлари чиқа бошлайди. 20 кунлик ёшда полапонлар уядан чиқиб дарахтларда тирмашиб юради. Бир ойлик ёшда аниқ уча олади ва мустақил озиклана бошлайди.

Хаққуш полапонлари озиқа рационининг 55,39% ини умуртқалилар, 44,61% ини умуртқасизлар ташкил этади. Бунда умуртқасизлардан пашша личинкалари (18,46%), бузоқбоши (12,31%), қўнғизлар (7,69%) ва қўнғиз личинкалари (6,15%) билан полапонларни озиклантирган. Умуртқалилардан эса асосан балиқ чавақлари, жумладан дўнгпешона балиқ (16,93%), товон балиқ (13,85%), сазан (10,77%), оқ амур чавағи (6,15%) ва кўл қурбақаси (7,69%) полапонлар томонидан истеъмол қилинган.

Оқ думли сувбургут *Haliaeetus albicilla* (L., 1758) нинг биологияси ва экологияси. Оқ думли сувбургути - лочинсимонлар (Falconiformes) туркумига мансуб ноёб турлар қаторига киради. Орол денгизи сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг деградацияга учраши ва браконьерлик бу қушнинг камайиб кетишига сабаб бўлган.



8-расм. Оқ думли сув бургутнинг уяси, 2017 й., Судочье к. (оригинал)

Учиб ўтиш вақтида ёлғиз, жуфт ва гуруҳ бўлиб учади, ёлғиз ва номунтазам уя қуради, 300-400 қуш қишлайди. Сўнги ўн йилликда (2005-2018 йиллар) қиш

даврида бургутлар Судочье, Жилтирбас, Машанкўл, Дауткўл ва Ашикўл каби Қорақалпоғистоннинг барча ўрта ва йирик кўлларида нисбатан мунтазам равишда учраб келмоқда. Оқ думли сувбургутнинг Судочье кўлида уя қуришини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар давомида 2017 йилнинг 20 апрел куни Судочье кўллар тизимининг Устюрт чинкида (Тайли кўлининг ёнида) оқ думли сув бургутининг уяси топилган (8-расм).



9-расм. Оқ думли сув бургутнинг полапонлари, 2017 й., Судочье к. (оригинал)

Уя денгиз сатҳидан 132 м баландликда тоғнинг юқорги ва энг четки қисмида жойлашган (координати: N43°34'21" E058°29'737"). Уянинг шакли чашкасимон бўлиб, диаметри 80-125 см, баландлиги 40-50 см, чуқурлиги 20-25 см эди. Уяда момиқ парли 5-6 кунлик 2 полапон ва 1 тухум мавжудлиги кузатилди. 7 май куни эса уяда йирик, танаси кўнғир-қора патлар билан қопланган 20-24 кунлик 3 та полапон борлиги аниқланди (9-расм).

Қорақалпоғистон шароитида қушларнинг кўпайиш биологиясининг умумий хусусиятлари ва мошлашиши кўйидагича ифодаланади. Баҳор фаслида қушларнинг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларида ўзгаришлар пайдо бўлади. Ҳар бир тур уялаш ҳудудини эгаллашга ва ўзининг кўпайиш хусусиятларини намоён қилишга ҳаракат қилади. Бу вақтда жуфтлар ҳосил бўлади ва уялаш ҳудудлари аниқланади. Нар қушларнинг баҳорги сайраши ва мода қушни ўзига жалб қилиши хилма-хилдир. Чумчуқсимон қушлар учун бу ҳодисанинг учта кўриниши келтирилади. Булар – ҳаво ўйинлари, «мулозамат қилиш» ёки «кўнглини олиш» ҳолатлари ва қушлар томонидан чиқарадиган товушлар. Кузатишлар бўйича «ҳаво ўйинлари» тўқайларда ва маданий ландшафтларда экилган дарахтларда уя қурувчи, лекин очик майдонларда озикланувчи қушларда - зағизғон, зағча, гўнг қарға, қора қарға, тошқирғий, сассиқ попишак ва майналарда намоён бўлади.

Жуфтлашиш ўйинларининг яна бир тури - қушлар томонидан чиқарадиган товушлар ҳисобланади. Бу - қушларнинг сайраши бўлиб, у кўпинча чумчуқсимонлар орасида кенг тарқалган. Қушлар кўпайиш вақтида ёқимли сайраши, ҳар хил овози билан жуфтини ўзига жалб қилади.

2-жадвал

Қорақалпоғистоннинг табиий ва маданий ландшафтларида айрим қушларнинг кўпайиш самарадорлиги

Тур номи	Уялар сони	Қўйилган тухумлар сони	Очиб чиққан полапонлар сони		Учиб кетган полапонлар сони		Кўпайиш самарадорлиги
			шт.	%	шт.	%	
Хаққуш	21	93	81	87,01	69	85,18	74,19
Тошқирғий	6	22	16	72,7	13	81,25	59,09
Сариқ сор	16	59	45	76,27	39	86,67	66,10
Оқ думли сувбургут	1	3	3	100	3	100	100
Қумри	46	92	63	68,48	51	80,95	55,43
Қизилоёқ	31	116	62	53,4	62	100	53,4
Қулоқдор япалоққуш	9	45	37	82,22	31	83,78	68,89
Тилла ранг куркунак	13	72	62	86,11	56	90,32	77,78
Гўнг қарға	12	57	34	59,65	23	67,65	40,35
Қора қарға	18	97	89	91,75	73	82,02	75,25
Зағизғон	12	72	61	84,72	42	68,85	58,33
Инуя	17	112	83	74,11	59	71,08	52,67
Жами	202	840	636	75,71	521	81,92	62,02

Кузатишлар бўйича бу ҳодиса булбуллар (*Cercotrichas galactotes*, *Luscinia megarhynchos*, *Luscinia luscinia*), мойқутлар, жануб кургалаги, читтаклар (*Parus bokharensis*, *Parus major*), узун думли қарқуноқ ва сариқ дехқон чумчуғи орасида кенг тарқалган. Қумри ва кўк каптарлар орасида ғув-ғувлаш ёки ғуриллаш кенг тарқалган бўлиб, бу ўзига ҳос тарзда амалга ошади.

Қорақалпоғистоннинг ҳар хил ландшафтларида қушларнинг кўпайиш даврининг давомийлиги бир-бирига ўхшаш бўлади. Лекин маданий ландшафтларда кўпайиш даври табиий ландшафтга солиштириганда эрта бошланиб, кеч тугайди. Айниқса бу каптарсимонлар учун характерли бўлиб, июн ойининг охирида, ҳатто октябр ойида ҳам қумрилар янги уя қуриб полапон чиқаради.

Ҳар-хил ландшафтлардаги, айрим турлар ёки экологик гуруҳларнинг уялаш муддатидаги кўрсатиб ўтилган фарқлар биринчи навбатда уя қуриш жойи ва озиқа манбаи, ундан сўнг иқлим омилларига боғлиқ. Ўрганилган турларнинг кўпайиш самарадорлиги юқори бўлган (2-жадвал).

